

19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ЎСМИРЛАРДА ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ПСИХОФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

DOI: [https://doi.org/ 10.53885/edinres.2021.23.62.103](https://doi.org/10.53885/edinres.2021.23.62.103)

Самарова Шохиста Рабиджановна

психология фанлар номзоди, доцент. Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти

Аннотация. Мақолада ўсмирларнинг ижодий фаолият олиб бориши жараёнидаги психологик ҳолатлар келтирилган. Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши шахсий хулқ–атворини тушунишдан бошланиб, ахлоқий фазилатини, характерини, ақлий имконият ва қобилиятини билиши билан яқунланади. Ўсмир камолотга эришган сайин унинг психик дунёсида янги сифатлар пайдо бўла бошлайди. Ўсмир ёшда қобилият кўникма ва малакаларни физиологик ҳолатига салбий таъсир қилмасдан ривожлантириши борасидаги фикрлар баён қилинган.

Калит сўзлар: ўсмир, ижодкорлик, психология, физиология, ирода, билим, интеллект.

Аннотация. В статье представлены психологические условия в процессе творческой деятельности подростков. Развитие самосознания у подростков начинается с понимания личного поведения и заканчивается знанием моральных качеств, характера, умственных способностей и способностей. По мере взросления подростка в его умственном мире начинают проявляться новые качества. Описаны мысли о развитии умений и навыков в подростковом возрасте без отрицательного влияния на физиологическое состояние.

Ключевые слова: юность, творчество, психология, физиология, воля, знания, интеллект.

Annotation. The article presents the psychological conditions in the process of creative activity of adolescents. The development of self-awareness in adolescents begins with an understanding of personal behavior and ends with knowledge of moral qualities, character, mental abilities and abilities. As the teenager matures, new qualities begin to appear in his mental world. The article describes thoughts on the development of skills and abilities in adolescence without a negative impact on the physiological state.

Key words: youth, creativity, psychology, physiology, will, knowledge,

Шахс индивидуал ривожланишининг муҳим омилларидан бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки, тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, қобилияти ва билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди. Шахснинг ёш давлари ичида ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараққиёт босқичидир. Илк ўсмирлик 11-13 ёшни, катта ўсмирлик 14-15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим ҳислати шундан иборатки, у ёшлиқдан етукликка ўтиш даврини белгилаб беради.

Ўсмирлик даври ўзига хос ижтимоий гуруҳни ташкил этади. У ҳаёт, меҳнат ва тажрибаларнинг муҳим шарти, ижтимоий ҳуққ ва психологияси, йўналганликнинг муҳим тизими сифатида тавсиф қилинади. Ўсмирлик даврида инсоннинг ҳаёт ва меҳнат фаолияти белгилаб олинади, уни мустақил меҳнат фаолиятга бўлган тўлақонли қобилиятли қиладиган психик, ғоявий етуклик даражасига эришади. Ўсмир ўғил ва қизлар шахси ўзлари ўрин эгаллай бошлаган жамият, жамоа, ижтимоий муносабатлар тизимидаги янги муҳит таъсирида қарор топади.

Ўсмирлик давридаги асосий фаолият тури ўрганиш, таълим олиш, ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлиқ бўлади. Бу жараёнда ўсмир ўғил ва қизларнинг ақлий ривожланишида характерли ўзгаришлар юз беради, меҳнат ва ўрганишга бўлган онгли муносабат ҳам ошади, келгусидаги меҳнат фаолиятида олинган билим, малака ва кўникмалар унда тўлақонли қатнашиш учун зарур шартлардан бири деган онглилик шаклланади.

Ўсмирлик – организм тараққиётидаги шиддат ва нотекистик билан характерланади. Бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши ва суякларнинг қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекистик бўлиб, бу бола феълининг ўзгарувчан ва баъзан ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар, албатта, асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тез таъсирланадиган бўлиб қолади.

Психик тараққиётнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўсмир мутассил ривожланиб боради, лекин бу ривожланиш кўплаб қарама-қаршилиқни ўз ичига олади. Бу тараққиёт ўқув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти бола психикасининг мувозанатига таъсир кўрсатиб, унинг турли фикр-ўйлардан чалғишига замин яратади. Айниқса, бу даврда диққат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда бола мустақил равишда фикрлашга

интила боради. Шунинг учун ҳам таълимда берилётган мустақиллик ва тўғри ташкил этилган ўқиш шароитлари, самимийлик муҳити унда мустақил фикрлашга катта имкониятлар очиши ва ундаги ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин.

Ўсмирлик ёши учун қизиқишнинг кенглиги ва турли–туманлиги ҳам характерлидир. Билишга бўлган қизиқишлар кенг, барқарор ва шижоатли тус олади. Билиш фаолиятига қаратилган ва у билан боғланган ўқиш, мутолаа қилишга қизиқиш ривожланади, ишда фикрни жамлаш малакаси, мантикий эслаб қолишнинг турли усуллардан фойдаланиш шаклланади. Ақлий фаолият нисбатан фаол, мустақил ривожланади. Фикрлаш фаолиятида умумлаштириш ва абстракциялашнинг олий даражасига кўтарилади, ҳодисаларнинг сабабий боғланишларини онгли равишда фаҳмлайди, фикрлашда танқидийлик ривожланади.

Ҳар бир ёш даврда ташқи таъсирларга психиканинг сезувчанлик хусусияти турлича бўлиб, у ёки бу психик функциянинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Бундай даврни сензитив даври дейилади. Ўсмирлик даврига хос бўлган қизиқиши, лаёқатини қобилият даражасига ўстириш учун қулай сензитив даврдир. Фикрлаш фаолиятининг ривожланиши, назарий тафаккурнинг шаклланишига, табиат ва жамиятнинг умумий қонуниятларини билишга, фалсафий категорияларни ўзлаштиришга бўлган қобилиятнинг шаклланишига омил бўлади.

Ҳар бир ўсмирнинг қизиқишлари кенг бўлишига қарамай, маълум бир фаолиятга лаёқати бўлади. Бу лаёқат таълим–тарбиядан, фаолиятдан ташқарида камол топмайди. Кўпинча ўсмир ўз лаёқатларини юқори баҳолайдилар, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва лаёқатига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлсада, ўзини нима қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда тенгқурлар томонидан тан олинishiга эришишга интилади. Агар мабодо ўсмир шу даврда бирор сабаб билан тенгқурлари томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудҳиш воқеадай қарайди, қизиқишлари сўна бошлайди ва ҳатто йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Ўсмир давридаги қийинчиликларнинг олдини олишнинг энг ишонарли ва фойдали йўли бу унинг бирор фаолиятга турғун қизиқишига эришиш, фаолият мотивларини мазмунлироқ қилишдир. Масалан, бу даврда техникага қизиқиб қолган ўсмир қизиқишини қондириш учун шарт–шароитининг яратилиши, ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, унга бир вазифани муваффақиятли удалай олишига ишонч ҳиссини тарбиялаш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Унинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда, олдига янгидан–янги мақсадлар қўйиш бола шахсининг ривожига асос яратади. Шундагина унинг ўзи тўғрисидаги

тасаввурлари ижобий, ўз-ўзига баҳоси адолатли бўлади, унинг юрак тубида яшириниб ётган лаёқатлари юзага чиқиб, қобилияти намоён бўлади.

Ўсмирлик ёшидаги психик ривожланишнинг асосий хислатларидан бири дунёқарашнинг шаклланишидир, шунингдек, турли билим соҳалари ва фаолиятнинг ҳар хил турларида ижоднинг ривожланиши ҳам ажралиб туради.

Ўсмирлик даври хусусиятлари таҳлилида фаолиятга алоҳида аҳамият берилади. Ўсмирлик даври фаолиятининг ижтимоий характери шундаки, улар бу даврда жамият тарихий ривожланиши, ижтимоий меҳнат жараёнида эришилган барча билимларни ўзларининг саъй-ҳаракатлари билан ўзлаштирадилар ва такомиллаштирадилар.

Ўсмирларда ўзини англашнинг ривожланиши шахсий хулқ-атворини тушунишдан бошланиб, ахлоқий фазилатини, характерини, ақлий имконият ва қобилиятини билиш билан яқунланади. Ўсмир камолотга эришган сайин унинг психик дунёсида янги сифатлар пайдо бўла бошлайди. Демак, ўсмирда қобилият кўникма ва малакаларнинг пайдо бўлиши жараёнида шаклланади.

Ҳар қандай қобилият ҳам мураккаб бўлиб, у ўсмирга турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари система шу талабларга жавоб бера олса, ўсмир фаолияти муваффақиятлилик билан амалга ошириш учун ўз қобилиятини кўрсата олади.

Ўсмирлик даври – шахснинг шаклланишида муҳим босқич ҳисобланади. Ўсмир ўғил ва қизлар ҳаёти ҳамда фаолиятининг янги шароити, уларнинг фаол ўқув ижтимоий, меҳнат фаолиятлари бўлғуси мутахасис шахсининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказди.

IX синф битирувчилари ўсмир ёшда бўлиб, уларга академик лицей ёки касб-ҳунар мактабларида таълим олишни мустақил танлаш имкони берилган. Ҳар бир ўсмир ўз лаёқати, қобилиятини билиб, таълимни давом эттириши мақсадга мувофиқдир. Академик лицей ёки касб-ҳунар коллежиларда таълим олаётган ҳар бир ўсмир ўзининг ижобий сифатларига эга бўлиш билан бирга, унда ҳали таркиб топиб улгурмаган сифатларни ҳам шакллантироғи лозим. Шахсдаги ижобий сифатларни шакллантириш ундаги қобилиятларни юзага чиқариш учун замин яратади.

Ҳар бир ёш даврида ташқи таъсирларга инсон психикасининг сезувчанлик хусусияти турлича бўлиб, муайян ёш даврида у ёки бу психик функциянинг ривожланиши учун қулай шароит юзага келади. Бундай даврни шу психик функциянинг сензитив даври дейилади. Масалан 1 ёшдан 5 ёшгача давр нутқ ривожланиши учун сензитив даврдир. Кичик мактаб ёши ўқув фаолияти учун сензитивдир. Ўсмирлик даврига келиб

ўқувчи қизиқишларининг ортиши ва кенгайиши кузатилади, билиш фаолияти ўқув дастуридан ташқарига чиқади, мустақил ўқий бошлайди. Унинг тафаккурида танқидийлик, мустақиллик ҳосил бўлади. Ундан кейинги ўспиринлик даврида шахс қобилият ва лаёқатлари унинг ўқиш фаолияти давомида намоён бўла боради, ўз ички дунёсини билиш ҳамда махсус қобилиятларни шакллантириш учун қулай психик шарт-шароитлар юзага келади.

Фикримизга кўра, педагог ўқувчилар билан ўзаро мулоқот жараёнида албатта уларнинг қадриятлари тизимини, ўзини касбга интилувчилиги ҳамда онглилик даражасини эътиборга олиши лозим бўлади. Инсон юксак қадриятлар ҳамда мақсадларга асосланмас экан, ўз касбий маҳорати ҳамда шахсий сифатларини ривожлантириш жараёнлари аҳамиятини англаб етмайди, оқибатда эса педагог ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги муносабатлари тўлақонли амалга ошмаслиги мумкин.

Педагог олим У.Нишоналиев тарбияга молик умуминсоний ижобий сифатларни ўсмир шахсида шакллантиришнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатади:

- умумий сифатлари: ёқимлик, кўркемлик, жозибадорлик, басавлатлик, ривожланганлик, ҳурматга сазоворлик, жиддийлик ва бошқалар;

- ахлоқий сифатлари: инсонпарварлик, ғамхўрлик, самимийлик, болажонлик, кечиримлилиқ ва бошқалар;

- ишбилармонлик сифатлари: ишчанлик, тиришқоқлик, масъулиятлилик, ҳалоллик, уддабуронлик, серҳаракатлилиқ ва бошқалар;

- зукколик, идроклилиқ хислатлари: зеҳнлилиқ, хотиржамлик, фаросатлилиқ, сезгирлик, топқирлик, қизиқувчанлик, дадиллик ва бошқалар;

- собитлик хислатлари: фаоллик, қатъиятлилик, тезкорлик, жўшқинлик, саботлилиқ, интизомлилиқ, барқарорлик, эрксеварлик ва бошқалар;

- эҳтирослилиқ хислатлари: неқбинлилиқ, кўтаринкилик, ишонувчанлик, келажакка ишонч, ифбатлилиқ ва бошқалар.

Мазкур шахс сифатларни шакллантириш ўқув–тарбия жараёнининг асосий вазифаси ҳисобланиб, барча давлатларда уларни тарбия жараёнининг асосини ташкил қилади. Шу маънода жаҳон мамлакатларида тарбия жараёни умумий мақсад – умуминсоний хислатларни шакллантиришга қаратилади.

Одатда, шахс ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишда фақатгина битта, энг асосий хусусиятга эътибор бериш билан чекланиб қолиш кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди. Шу сабабли ўсмир

шахсининг барча соҳалардаги фаолият кўрсаткичларини умумий мажмуа сифатида қараб, талаб этилаётган хусусиятлар салмоғини оширишга асосий эътиборни қаратиш лозим. Бу маънода ўсмир ёшлар ижодкорлик сифатлари таркибини қуйидагича таклиф қилдик: муаммоларни илғашдаги зийраклик; мантиқан фикрлаш савиясининг юқорилиги; билим ва кўникмаларни осон қабул қилиши; ўз фикрини тўғри ва батафсил ифодалаш; диққатни кенгроқ тақсимлай олиши; ҳозиржавоблик; муаммони таҳлилий баҳолай олиши; топқирлик; нутқнинг равонлиги; қизиқувчанлик; ишни охиригача етказиши; тафаккурнинг мослашувчанлиги ва бошқалар.

Ёшларнинг ўз имконият ва қобилиятларини, билим ва интеллектуал салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари ҳамда улардан ижтимоий ҳаётда ўринли фойдаланишлари учун таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган мактабнинг ҳар бир битирувчиси, ўзининг келажак фаолиятини тўғри танлай олиши ва келгуси таълим йўлини белгилаши лозим. Ўқувчи шахснинг етук касб эгаси сифатида шаклланишида эса унинг шахсий сифатлари бирламчи аҳамият касб этади. Шахсий сифатлар эса индивиднинг оила ва узлуксиз таълим тизимида оладиган тарбияси жараёнида шакллантирилади.